ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН (1925-1929 ЙИЛЛАР)

Маҳмудхон Маҳмудов
Андижон давлат тиббиёт институти ўқитувчиси
m.mahmudov1982@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан кейинги йилларда ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол масалалари таҳлил этилган. Янги иқтисодий сиёсат шароитида ўзбек қишлоқларининг умумий ҳолати, ердан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий табақалашуви, турли ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабатлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида юз берган ўзгаришларга доир маълумотлар умумлаштирилган.

Калит сўзлар: Миллий-ҳудудий чегаралаш, Ўзбекистон ССР, Янги иқтисодий сиёсат, деҳқон хўжаликлари, чорикор, мардикор, ўртаҳол, “қулоқ”, помешчик, ижара муносабатлари, ижтимоий табақалар.

FROM THE HISTORY OF SOCIO-ECONOMIC RELATIONS IN UZBEK VILLAGES DURING THE NEW ECONOMIC POLICY (1925-1929)

Mahmudhon Mahmudov
Teacher of Andijan State Medical Institute
m.mahmudov1982@mail.ru

ABSTRACT

This article analyzes the socio-economic situation in the Uzbek villages in the years after the establishment of the Uzbek SSR. In the conditions of the new economic policy, the general situation of Uzbek villages, land use, the peculiarities of agricultural production relations are analyzed. The data on social stratification of the rural population, relations between different social strata and changes in agricultural production are summarized.

Keywords: National-territorial limitation, the Uzbek SSR, new economic policy, peasant farms, servant, middle-class, "kulaks", rental relations, social strata.

КИРИШ

Совет давлатида 1921 йилдан эътиборан “ҳарбий коммунизм” сиёсати ўрнида жорий этилган Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) бутун мамлакатда халқ хўжалигини қайта тиклаш, иқтисодиётни маълум ривожланиш йўналишига солиш имконини берди. Янги иқтисодий сиёсатнинг жорий этилиши бу даврда РСФСР таркибида бўлган Туркистон АССРнинг ҳам иқтисодиётига, умуман, халқ хўжалигининг барча тармоқларига муайян ўзгаришлар киритди. Қайд этиб ўтиш керакки, бу пайтда Туркистон АССР халқ хўжалиги ўз хусусиятига кўра Иттифоқдаги умумий иқтисодий вазият ва ҳолатлардан кескин фарқ қилар эдики, шу боисдан ҳам ўлкада янги иқтисодий сиёсатни жорий этишда бир қатор зиддиятли жиҳатлар намоён бўлди.

Ўрта Осиёда 1924 йилда амалга оширилган миллий-ҳудудий чегаралашдан кейин Ўзбекистон ССРга собиқ Туркистон АССРдан 17071600 гектар ер ўтди. 1926 йилги маълумотга кўра, республика аҳолиси 5267, 7 минг киши бўлиб, улар 65 дан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат эди. Республиканинг асосий аҳолиси – ўзбеклар 3,5 миллион киши бўлиб, улар республика аҳолисининг 66 фоизини ташкил этарди [1, б. 8-9].

Ўзбекистон ССРнинг шаклланиши, эълон қилинган миллий давлатчиликнинг декларатив хусусиятига қарамай, қишлоқ хўжалиги масаласини ва қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳал этиш учун янги имкониятлар очиб берди. Айни пайтда Иттифоқ таркибига кирувчи республика доирасида иқтисодий қурилишнинг миллий жиҳатларини тўлиқ ҳисобга олиш ва ўзбек кишлоқларининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тузилмасини янгилаш бўйича оптимал дастур ишлаб чиқиш имконияти юзага келди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Совет давлатида 1921-1929 йилларда амалда бўлган янги иқтисодий сиёсат мавзусига доир бугунги кунгача кўплаб асарлар яратилган, илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу асарларнинг аксарияти янги иқтисодий сиёсатнинг умумиттифоқ миқёсида жорий этилиши ва бутун мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий натижалари масаласига бағишланган. Айни пайтда, СССР миқёсидаги илмий асарларнинг асосий қисми иқтисодчилар томонидан яратилган.

Янги иқтисодий сиёсатнинг миллий республикаларда, хусусан, Туркистон АССР ва кейинчалик Ўзбекистон ССРда жорий этилиши ва унинг оқибатлари масалаларига доир илмий адабиётлар нисбатан кам. Бу мавзу бўйича махсус

илмий адабиётлар яратилмаган ва илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Янги иқтисодий сиёсатнинг айрим масалалари Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти даври тарихига бағишланган умумий тарих асарларида маълум даражада ёритиб ўтилган. Ушуб адабиётларда янги иқтисодий сиёсатнинг Туркистон АССР ва Ўзбекистон АССР халқ хўжалигининг турли тармоқларида жорий этилиши масалалари умумий контексда ёритилса-да, ушбу сиёсатнинг зиддиятли жиҳатлари, шунингдек, қишлоқ ва шаҳар майда тадбиркорлари фаолиятидаги аҳамияти каби масалалар деярли ўрганилмаган.

Янги иқтисодий сиёсат ўзбек қишлоқлари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изга солишда катта аҳамиятга эга бўлдики, бу масала совет даври ўзбек тарихшунослигида маълум даражада ўрганилган. Яъни, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистондаги аграр сиёсат тарихига оид кўплаб илмий адабиётларда янги иқтисодий сиёсат шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тикланиши, республикада пахта етиштириш ва ирригация тармоқларининг тикланиши ва янгиларининг барпо этилиши масалалари атрофлича ёритилган.

Ушбу мақолада тарихий илмий тадқиқотлар олиб боришда кенг қўлланиладиган қиёсий-тарихий, қиёсий-статистик, муаммоли-хронологик, таркибий-тизимлилик каби методларидан кенг фойдаланилди. Қиёсий-тарихий метод XX аср 20-йилларида совет давлати қишлоқларида кечган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ва аграр муносабатларнинг умумий ҳолатини алоҳида олинган республика – Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР қишлоқларидаги аҳвол билан таққослаш, ўзаро боғлиқ томонларини кўрсатиб ўтишда намоён бўлди.

МУҲОКАМА

Ўзбекистон ССР ташкил топган паллада қишлоқ хўжалиги республика халқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланар, 1924-25 хўжалик йилида бу тармоқда 85 фоиз аҳоли банд бўлган эди. Республика ялпи ички маҳсулотида аграр секторнинг улуши қарийб 80 фоизни ташкил қилган. Республика тасарруфига ўтган саноат корхоналарининг 90 фоизи қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган эди [2, б. 32-33]. Бундай шароитда аграр ўзгартиришларни амалга ошириш янги ташкил топган республика учун устивор оммавий-сиёсий аҳамиятга эга ҳам эди. Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ўзгартиришларнинг сабаби республика ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим бўғинларни умумий хўжалик мазмунида чуқур қайта ташкил этиш зарурати сифатида талқин этилди.

XX аср 20-йилларининг ўрталарига келиб ўзбек кишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маълум ўзгаришларга эришилди. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтилиши билан ўзбек деҳқони ҳам эркинроқ нафас ола бошлади. Озиқ-овқат развёрсткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, айрим бозор механизмларининг тикланиши қишлоқ меҳнаткашларига ўзлари етиштирган ортиқча маҳсулотни сотиш, пахта ва бошқа экин майдонлари ҳажмини ошириш имконини берди. Бироқ, бунга қарамай қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ вазият хануз мураккаблигича қолмоқда эди. 1924 йилда деҳқончиликда фойдаланилган ерлар республикадаги мавжуд экин майдонларининг фақат 58,7 фоизини ташкил қилди, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти эса 1913 йилдаги даражанинг 47,2 фоизини ташкил этарди [3, б. 327].

Туркистон АССРда 1921-1922 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳотига қарамай, ўзбек қишлоқларида халигача ерсизлик ва кам ерлилик сақланиб қолмоқда эди. 1925 йилда Ўзбекистон ССРдаги ҳар 100 та хўжаликдан 13 таси ерсиз эди. Шунингдек, ерсиз ва 2 десятинагача ерга эга бўлган хўжаликлар 71,8 фоизни ташкил этарди [4, б. 7]. 1926 йилда Зарафшон ва Фарғона областларида 52 фоиз деҳқон хўжаликлари бир десятингача ерга эга бўлганлар, 2 десятинагача ери бўлган хўжаликлар Зарафшон обастида 54 фоизни, Тошкент ва Самарқанд областларида эса 42 фоизни ташкил қилган [5, б. 1].

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш стратегиясидаги яна бир устувор вазифа аграр ислоҳотларни яна давом эттириш сифатида қўйилди. Зеро, 1921-1922 йиллардаги ер ислоҳотига қарамай, деҳқонларнинг асосий оммавий талаблари ер масаласини ҳал қилиш билан боғлиқ эди. 1920 йилларнинг ўрталарида ҳам ўзбек қишлоқларининг ижтимоий таркиби Октярь тўнтаришига қадар ўлкада мавжуд бўлган кўпгина хусусиятларни сақлаб қолган эди. Деҳқон хўжаликлари аввалдан суғориб деҳқончилик қилиб келинган кичик районларда – асосан, Фарғона водийси, Тошкент, Зарафшон ва Хоразм вохаларида тўпланган эди. Деҳқончиликда агротехника, ирригация тизимининг қолоқлиги, бу тизимларни яхшилашга маблағнинг доимий етишмаслиги янги ерларни ўзлаштириш имконини бермаган. Буларнинг барчаси ер масаласининг янада кескинлашишига олиб келди ва маҳаллий деҳқон хўжаликларининг бадавлат ва камбағал қатламлари ўртасида қарама-қаршиликларнинг кучайишига сабаб бўлди. Айни пайтда ушбу қарама-қаршилик большевик ҳукумати томонидан сунъий равишда авж олдириб борилди.

Деҳқон хўжаликларининг ижтимоий таркибини таҳлил қилиш кўрсатмоқдаки, XX асрнинг 20-йиллари ўрталарида Ўзбекистон ССРдаги суғориладиган экин ерларининг 30 фоиздан ортиғи “бой ва қулоқ хўжаликлари”

тоифасига кирувчи кишилар қўлида тўпланган эди. Хусусан, Фарғона областида қулоқ ва майда помешчик хўжаликлари 39 фоиз экин ерларига, Самарқанд областида эса 32,7 фоиз ерларга эгалик қилар, бу каби манзара бошқа вилоятларга ҳам хос эди [6, б. 85].

Бадавлат деҳқон хўжаликлари қўлида ер билан бирга қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ҳам тўпланган эди. Ерсиз чорикор деҳқонлар бадавлат хўжаликларнинг ерларида ер ва асбоб-ускуналарни маълум шартлар эвазига ижарага олган ҳолда меҳнат қилардилар. Бадавлат хўжаликлар билан камбағал хўжаликлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ижара асосига қурилар эди. Кўплаб мардикорлар ва чорикорлар ер, иш ҳайвони ва қишлоқ хўжалик асбобларини ижарага олар эдилар. Ўзбекистонда узоқ муддатли ижара муносабати ҳисобланган чорикорлик нисбатан кенг тарқалган эди. Ижаранинг бу шаклига ҳатто 2 десятинагача ери бўлган деҳқонлар ҳам қўшилар эдилар. Ердан фойдаланиш омилларига боғлиқ равишда қишлоқ аҳолисининг турли ижтимоий қатламларининг манфаатлари тўқнаш кела бошлади. Бу қарама-қаршилик ўзбек қишлоқларининг тобора сиёсийлашиб бориши жараёнида кучайиб бормоқда эди [7, б. 211].

Ўзбекистонда 1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ўзининг бутун моҳияти билан бадавлат, ўзига тўқ хўжаликларни чеклаб қўйиш ва қишлоқда синфий курашни авж олдиришга қаратилган эди. Бу йўл қишлоқ аҳолисининг кўпроқ даражада бозорга қараб иш юритадиган бадавлат табақаларини ўринсиз равишда чеклаб қўйиш, шунингдек ислоҳотни ўтказиш жараёнида ҳаддан ошиб чоралар кўриш билан ифодаланди. Ислоҳот давомида қишлоқнинг бадавлат қатламлари кескин қисқариб, улар барча деҳқон хўжаликларининг 1,4 фоизини ташкил этди [6, б. 104]. Булар ҳам асосан 5-7 десятина ерга эга бўлган, лекин етарли даражада ишчи кучи, иш ҳайвони ва меҳнат куролларига эга бўлмаган деҳқонлар эди.

Ислоҳот давомида бир қатор адолатсизликларга йўл қўйилди, деҳқонларга нисбатан зўравонлик қилинди. Қулоқ ва бой хўжаликлари сифатида йўқ қилиб юборилган хўжаликларнинг каттагина қисмини ўртаҳол, ўз меҳнати билан кун кечирувчи деҳқонлар ташкил этган эди. Уларнинг аксариятига советларнинг ўзи кеча ер тақсимлаб бериб, бугунга келиб уларни қулоқларга айлантирди. Совет ва Комфирқа идораларида раҳбарлик лавозимида ўтирганларнинг кўпчилиги назарий-ғоявий ва сиёсий жиҳатдан пишиб етилмаган шахслар эдилар, уларнинг кўпчилигида хўжалик-ташкилотчилик қобилияти йўқ эди. Ана шунинг оқибатида 20-йилларда давлатга каттагина фойда келтириб турган ширкат

хўжаликлари йўқ қилиб юборилди, уларни ёппасига коллективлаштириш сиқиб чиқарди.

Бадавлат хўжаликларнинг тугатилиши қишлоқни қашшоқлаштириб қўйди. Ишбилармонлик, тадбиркорлик фаолиятлари бўғиб қўйилди. Бошқа бир томондан эса ислоҳот ижара муносабатларини тўхтатиб қўйди. Ислоҳотга қадар Ўзбекистонда 42,5 фоиз хўжалик ижарага ер олган бўлса, ислоҳотдан кейин бу кўрсаткич 5,7 фоизни ташкил қилди [6, б. 104]. Бироқ иш ҳайвони ва меҳнат қуролларини ижарага олиш ҳолати кескин кўпайди. Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ислоҳотга қадар 7,1 фоиз иш ҳайвони ижарага олинган бўлса, ислоҳотдан кейин бу миқдор 15,1 фоизни ташкил қилди [8, б. 199]. Бунинг сабаби шуки, ислоҳот мобайнида деҳқонларга ер тақсимлаб берилгани ҳолда, улар етарли даражада иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари билан таъминланмадилар. Бунинг устига ислоҳот даврида кўплаб деҳқон хўжаликлари ўз иш ҳайвонлари ва чорва молларини ҳукумат сиёсатидан норози бўлиб, сўйиб юборган эдилар.

НАТИЖАЛАР

1927-1928 йиллардан эътиборан бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик усул-амалларига ўтиш тобора ошкора тус ола бошлади. 20-йилларнинг охирида янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилиши кооперация тизимининг емирилиб кетишига олиб келди. Компартия қишлоқ хўжалигини бошқаришни давлат қўлига ўтказиш йўлини тутди. Бу даврга келиб якка бош диктаторга айланган Сталин партияни майда товар ишлаб чиқарувчи укладга қарши кўя бошлади. Бунда ҳам асосий зарба аграр секторнинг асоси бўлган ўртаҳолларга қаратилди. Партия ва ҳукумат ҳар томонлама ўртаҳол деҳқон хўжаликларини сиқувга ола бошлади. Хўжаликнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, хўжаликнинг яхшиланиши, иш ҳайвонлари ва меҳнат жиҳозларининг кўпайиши ҳам деҳқонларга қулоқ деб ҳисобланиш хавфини солиб қўйди. Қишлоқда хўжаликни ривожлантирмаслик кайфияти ҳукмрон бўлиб қола бошлади.

Ер-сув ислоҳоти ўзбек қишлоғида маълум даражада ўртаҳоллар миқдорининг кўпайишига таъсир кўрсатган эди. Шунингдек НЭП йилларида солиқларнинг камайтирилиши деҳқонларга ўзини тиклаб олиш имконини берганди. 1927-1929 йиллар давомида “бой-қулоқ хўжаликлари” деб аталган ўзига тўқ хўжаликлар республикада 3,4 фоиздан 5,4 фоизга ўсди [9, б. 71-72]. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам бир мунча кўпайди. Бироқ етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулоти бутун мамлакатни тўла таъминлай олмас эди. Ғалла нархларининг 20-25 фоизга камайтирилганлиги ҳам аҳволни янада

мушкуллаштирди. Деҳқонлар ғаллани давлат белгилаган паст баҳоларда сотишни хоҳламас эдилар. Натижада 1927 йилда шаҳарликларни нон билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлди. Мамлакатда карточка системаси яна амал қила бошлади. Инқироз тобора чуқурлашиб борди. Шунда давлат фавқулодда чоралар кўришга - ўзига тўқ деҳқонлардан ғаллани тортиб олишга ўтди.

Ғалла тайёрлашдаги қийинчиликлар Ўзбекистонга ҳам дахлдор бўлди. Республикада 20-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан ғалла етиштириш йилдан-йилга қисқариб борди. Агар 1914 йили Ўзбекистон ҳудудларида 1437,36 минг гектар ерда ғалла етиштирилган бўлса, 1927 йилда эса 983,81 минг гектар ерга ғалла экилди ва бу 1914 йилдаги миқдорнинг 64,5 фоизини ташкил этди [10, б. 23]. Республиканинг ғалла эҳтиёжи пахта етказиб бериш эвазига Россиянинг марказий районларидан келтириш билан таъминланар эди. Бутун мамлакат бўйича ғалла тайёрлашнинг кескин камайиб кетиши Ўзбекистонга ғалла келтириш режасини барбод қилди. 1928 йилда республиканинг ғаллакор районларида ғалла тайёрлаш ишлари ўтказилди. Бу ўринда ҳам зўравонликлар қилинди. Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги ғалла тайёрлашни сал бўлмаса озиқ-овқат развёрсткаси деб тушуниш мумкин эди. Дон олиб кетаётган деҳқонларни милиция ушлаб олиб ғаллани мажбуран соттирган ҳоллар рўй берди. Бу ҳолдаги ўзбошимчаликлар бошқа жойларда ҳам бўлиб турди [11, б. 165-166]. Бундай зўравонликлар Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни жуда кескинлаштириб юборди.

ХУЛОСА

Кўриб ўтилаётган даврда Туркистон АССР ва кейинчалик Ўзбекистон ССР иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этган ва ўз навбатида Янги иқтсодий сиёсат ўзбек қишлоқлари ривожида ва қишлоқ аҳолиси тақдирида ўзига хос ўрин тутди. Айтиш мумкинки, янги иқтисодий сиёсат ўзбек қишлоқларини изга солиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тиклаш, шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Янги сиёсат ўзбек қишлоқлари ижтимоий таркибига ҳам муайян ўзгаришлар киритди, қишлоқларда социал табақалашув жараёнлари кучайди.

Бироқ, Ўзбекистонда 1926-1927 йиллардан эътиборан янги иқтисодий сиёсат йўлидан четга чиқиш, унинг тамойилларини инкор этиш кўзга ташланди. Натижада анча илғор ва самарадор иқтисодий янгиликлар бекор қилинди ёки давр сиёсатига мослаб ўзгартирилди. Республикада 1925-1929 йилларда “бой-помешчик ер эгалигига қарши кураш” ниқоби остида амалга оширилган ер-сув

ислоҳоти натижасида эса, 1929 йилга келиб ўзбек қишлоғидаги тадбиркор, бозор талабларига кўра иш кўрадиган ижтимоий қатлами тугатиб юборилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Всесоюзная перепись населения 1926 г. Том XV* (1928). Москва.
2. *История народного хозяйства Узбекистана*. Том 1 (1962). Ташкент: Изд. АН УзССР.
3. Жўраев М., Нуруллин Р., Камалов С., ва бошқ. (2000). *Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.* Тошкент: Шарқ.
4. *Отчет по проведению земельно-водной реформы в Самаркандской, Ферганской и Ташкентской областях*. (1927). Ташкент.
5. *Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви* (ЎзР МДА), Р-90-фонд, 1-рўйхат, 23-иш.
6. Голованов А.А. *Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг.* (1992) Ташкент: Фан.
7. Голованов А.А., Саидов И.М. *Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв*. (2007). Самарканд.
8. *Советское крестьянство*. (1973). Москва: Наука.
9. Ивницкий Н.А. *Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса (1929-1932 гг.)* (1974). Москва: Наука.
10. Джамалов О.Б. *Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане*. (1950). Ташкент: Госиздат УзССР.
11. Ражабова Р.Ё., ва бошқ. *Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик*. (1994). Тошкент: Ўқитувчи.

REFERENCES

1. *Всесоюзная перепись населения 1926 г. Том XV* (1928). Москва.
2. *История народного хозяйства Узбекистана*. Том 1 (1962). Ташкент: Изд. АН УзССР.
3. Жўраев М., Нуруллин Р., Камалов С., ва бошқ. (2000). *Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.* Тошкент: Шарқ.
4. *Отчет по проведению земельно-водной реформы в Самаркандской, Ферганской и Ташкентской областях*. (1927). Ташкент.

5. *Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви* (ЎзР МДА), Р-90-фонд, 1-рўйхат, 23-иш.
6. Голованов А.А. *Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг.* (1992) Ташкент: Фан.
7. Голованов А.А., Саидов И.М. *Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв*. (2007). Самарканд.
8. *Советское крестьянство*. (1973). Москва: Наука.
9. Ивницкий Н.А. *Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса (1929-1932 гг.)* (1974). Москва: Наука.
10. Джамалов О.Б. *Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане*. (1950). Ташкент: Госиздат УзССР.
11. Ражабова Р.Ё., ва бошқ. *Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик*. (1994). Тошкент: Ўқитувчи.